

Миробод тумани

“Шароф Рашидов” маҳалласи чегараси тавсифи

Матбуотчилар ва Буюк Турон кўчалари кесишган жойдан Буюк Турон кўчаси бўйлаб Яккачинор кўчасигача, Яккачинор кўчаси бўйлаб Амир Темур шоҳ кўчасигача, Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб Матбуотчилар кўчасигача, Матбуотчилар кўчаси бўйлаб Буюк Турон кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Афросиёб” маҳалласи чегараси тавсифи

Буюк Турон ва Афросиёб кўчаси кесишган жойдан Афросиёб кўчаси бўйлаб Шаҳрисабз кўчасигача, Шаҳрисабз кўчаси бўйлаб Амир Темур шоҳ кўчасигача, Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб Яккачинор кўчасигача, Яккачинор кўчаси бўйлаб Буюк Турон кўчасигача, Буюк Турон кўчасидан Афросиёб кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Мингўрик” маҳалласи чегараси тавсифи

Матбуотчилар ва Қўқон йўли кўчалари кесишган жойдан Қўқон йўли кўчасидан Содиқ Азимов кўчасигача, Содиқ Азимов кўчаси бўйлаб Фидокор кўчасигача, Фидокор кўчаси бўйлаб Тарас Шевченко кўчасигача, Тарас Шевченко кўчаси бўйлаб Шаҳрисабз кўчасигача, Шаҳрисабз кўчаси бўйлаб Амир Темур шоҳ кўчасигача, Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб Матбуотчилар кўчасигача, Матбуотчилар кўчасидан Қўқон йўли кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Мовароуннаҳр” маҳалласи чегараси тавсифи

Содиқ Азимов кўчаси ва Истикбол кўчаси кесишган жойдан Истикбол кўчаси бўйлаб Нукус кўчасигача, Нукус кўчаси бўйлаб Амир Темур шоҳ кўчасигача, Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб Содиқ Азимов кўчасигача,

Содиқ Азимов кўчаси бўйлаб Истикбол кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Салор” маҳалласи чегараси тавсифи

Нукус ва Фарғона йўли кўчалари кесишган жойдан Фарғона йўли кўчаси бўйлаб Туркистон кўчасигача, Туркистон кўчаси бўйлаб Авлиёота кўчасигача, Авлиёота кўчаси бўйлаб Нукус кўчасигача, Нукус кўчаси бўйлаб Фарғона йўли кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Ойбек” маҳалласи чегараси тавсифи

Шаҳрисабз ва Ойбек кўчалари кесишган жойдан Ойбек кўчаси бўйлаб Нукус кўчасигача, Нукус кўчаси бўйлаб Амир Темур шоҳ кўчасигача, Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб Фидокор кўчасигача, Фидокор кўчаси бўйлаб Тарас Шевченко кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Абдулла Авлоний” маҳалласи чегараси тавсифи

Фидокор ва Миробод кўчалари кесишган жойдан Миробод кўчаси бўйлаб Нукус кўчасигача, Нукус кўчаси бўйлаб Ойбек кўчасигача, Ойбек кўчаси бўйлаб Фидокор кўчасигача, Фидокор кўчаси бўйлаб Миробод кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Лолазор” маҳалласи чегараси тавсифи

Шаҳрисабз ва Миробод кўчалари кесишган жойдан Миробод кўчаси бўйлаб Фидокор кўчасигача, Фидокор кўчаси чап томони бўйлаб Ойбек кўчасигача, Ойбек кўчаси бўйлаб Шаҳрисабз кўчасигача, Шаҳрисабз кўчаси бўйлаб Миробод кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Миробод” маҳалласи чегараси тавсифи

Миробод ва Катта Миробод кўчалари кесишган жойдан Миробод кўчаси бўйлаб Катта Миробод 1-тор кўчаси кўчасигача, Катта Миробод 1-тор кўчаси кўчаси бўйлаб Катта Миробод кўчасигача, Катта Миробод кўчаси бўйлаб Нукус кўчасигача, Нукус кўчасидан Миробод кўчасигача, Миробод

кўчаси бўйлаб Катта Миробод кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Банокатий” маҳалласи чегараси тавсифи

Абу Сулаймон Банокатий ва Сарикўл кўчалари кесишган жойдан Сарикўл кўчаси бўйлаб, Янгизамон кўчасигача, Янгизамон кўчаси бўйлаб Абдурауф Фитрат кўчаси кесишувидаги темир йўл тармоғигача, темир йўл тармоғи бўйлаб Локомотив кўчасигача, Локомотив кўчаси бўйлаб Абу Сулаймон Банокатий 2-тор кўчасигача, Абу Сулаймон Банокатий 2-тор кўчаси, Гейдар Алиев ва Локомотив кўчалари туташган жойдан Гейдар Алиев кўчаси бўйлаб 285-уйгача, 285-уйнинг ёнидан ўтиб Тошкент темир йўл муҳандислари институти чегарасигача, институт чегараси бўйлаб 64-сонли мактабгача таълим муассасаси (Темирйўлчилар 1-тор кўчаси, 1-уй) чегарасигача, 64-сонли мактабгача таълим муассасасини ўз ичига қамраб олган ҳолда Темирйўлчилар 1-тор кўчасигача, Темирйўлчилар 1-тор кўчасидаги 1/1, 1/2, 1/3 ва 1/4-уйларни ўз ичига қамраб олган ҳолда Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг чегарасидан давом этиб Абу Сулаймон Банокатий кўчасигача, Абу Сулаймон Банокатий кўчаси бўйлаб Сарикўл кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Янгизамон” маҳалласи чегараси тавсифи

Абу Сулаймон Банокатий ва Эски Сарикўл кўчалари кесишган жойдан Эски Сарикўл кўчаси бўйлаб Янги Замон кўчасигача, Янги Замон кўчаси бўйлаб Сарикўл кўчасигача, Сарикўл кўчаси бўйлаб Абу Сулаймон Банокатий кўчасигача, Абу Сулаймон Банокатий кўчаси бўйлаб Эски Сарикўл кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Иноқобод” маҳалласи чегараси тавсифи

Меҳржон ва Иноқобод кўчалари кесишган жойдан Иноқобод кўчаси бўйлаб Сайхун кўчасигача, Сайхун кўчаси бўйлаб Янгизамон кўчасигача, Янгизамон кўчаси бўйлаб Янгизамон ва Эски Сарикўл кўчалари кесишувидан Эски Сарикўл кўчаси бўйлаб ички томони, Эски Сарикўл кўчаси бўйлаб Меҳржон ва Иноқобод кўчалари кесишувигача бўлган чегараларда жойлашган ҳудуд билан чегараланади.

“Фурқат” маҳалласи чегараси тавсифи

Эски Сарикўл ва Янгизамон кўчалари кесишган жойдан Янгизамон кўчаси бўйлаб Сайхун кўчасигача, Сайхун кўчаси бўйлаб Фарғона йўли кўчаси кесишувигача, Фарғона йўли кўчаси бўйлаб Қорасув каналигача, Қорасув канали бўйлаб Эски Сарикўл кўчасигача, Эски Сарикўл кўчаси бўйлаб Янгизамон кўчаси кесишувигача, Эски Сарикўл кўчаси ички томони тарафида бўлган чегараларда жойлашган ҳудуд билан чегараланади.

“Абдурауф Фитрат” маҳалласи чегараси тавсифи

Эски Сарикўл ва Янгизамон кўчалари кесишган жойдан Эски Сарикўл кўчаси бўйлаб Қорасув каналигача, Қорасув канали бўйлаб Сарикўл кўчасигача, Сарикўл кўчаси бўйлаб Янгизамон кўчасигача, Янгизамон кўчаси бўйлаб Эски Сарикўл кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Сарикўл” маҳалласи чегараси тавсифи

Янгизамон ва Сарикўл кўчалари кесишган жойдан Сарикўл кўчаси бўйлаб Қорасув каналигача, Қорасув канали бўйлаб темир йўл тармоғигача, темир йўл чизиғи бўйлаб Абдурауф Фитрат ва Янги Замон кўчалари кесишувигача, Янгизамон кўчаси бўйлаб Сарикўл кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Олтинкўл” маҳалласи чегараси тавсифи

Қорасув канали ва Фарғона йўли кўчалари кесишувидан Фарғона йўли кўчаси бўйлаб Абдурауф Фитрат кўчасигача, Абдурауф Фитрат кўчаси бўйлаб Қорасув каналигача, Қорасув канали бўйлаб Фарғона йўли кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Биродарлик” маҳалласи чегараси тавсифи

Гейдар Алиев ва Қизил Арват кўчалари кесишган жойдан Қизил Арват кўчаси бўйлаб Мирзо Жаҳонгир кўчасигача, Мирзо Жаҳонгир кўчаси бўйлаб Локомотив кўчасигача, Локомотив кўчаси бўйлаб Кичик Бешёғоч кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Заминобод” маҳалласи чегараси тавсифи

Гейдар Алиев ва Қизил Арват кўчалари кесишган жойдан Қизил Арват кўчаси бўйлаб Мирзо Жаҳонгир кўчасигача, Мирзо Жаҳонгир кўчаси бўйлаб темир йўл тармоғигача, темир йўл тармоғи бўйлаб Абдулла Қаххор 3-тор кўчасигача, Абдулла Қаххор 3-тор кўчаси бўйлаб Оқ йўл кўчасигача, Оқ йўл кўчаси бўйлаб Гейдар Алиев кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Қорасув” маҳалласи чегараси тавсифи

Фарғона йўли ва Абдурауф Фитрат кўчалари кесишган жойдан Абдурауф Фитрат кўчаси бўйлаб Қорасув каналигача, Қорасув канали бўйлаб темир йўл тармоғигача, темир йўл тармоғи бўйлаб Фарғона йўли кўчасигача, Фарғона йўли кўчаси бўйлаб Абдурауф Фитрат кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Қўйлиқота” маҳалласи чегараси тавсифи

Фарғона йўли кўчаси ва “Баротхўжа” канали кесишган жойдан, Фарғона йўли кўчаси бўйлаб Истикбол кўчасигача, Истикбол кўчаси бўйлаб Кичик халқа йўлигача, Кичик халқа йўли бўйлаб Кичик халқа йўли ва “Баротхўжа” канали туташган жойгача, “Баротхўжа” канали бўйлаб Фарғона йўлигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Зиёнуру” маҳалласи чегараси тавсифи

Янги Қўйлиқ кўчаси ва Толариқ канали кесишган жойдан Янги Қўйлиқ кўчаси бўйлаб Қўйлиқ-2 мавзеси 25-уйни ўз ичига қамраб олган ҳолда Қўйлиқ-2 мавзеси 25-уй ва 25/5-уйлар оралиғи бўйлаб 31-сонли умумий ўрта таълим мактабигача, 31 ва 263-сонли умумий ўрта таълим мактабларининг оралиғи бўйлаб Толариқ каналигача, Толариқ канали бўйлаб Янги Қўйлиқ кўчасига бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Толариқ” маҳалласи чегараси тавсифи

Янги Қўйлиқ кўчаси ва Толариқ канали кесишувидан Толариқ канали бўйлаб Қўйлиқ-4 ва Қўйлиқ-1 мавзеларини ажратиб турувчи кўчагача, Қўйлиқ-4 ва Қўйлиқ-1 мавзеларини ажратиб турувчи кўча бўйлаб 126-сонли мактабгача таълим муассасаси (Қўйлиқ-4 мавзеси) чегарасигача, 126 ва 183-сонли мактабгача таълим муассасалари, 125-сонли ўрта таълим мактаби ҳамда Миробод тумани Халқ таълими бўлимига қарашли спорт соғломлаштириш мажмуаси чегараларининг ўнг томони бўйлаб Янги Қўйлиқ кўчасигача, Янги Қўйлиқ кўчаси бўйлаб Толариқ канали билан туташган жойгача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Янги Қўйлиқ” маҳалласи чегараси тавсифи

Янги Қўйлиқ кўчасининг Тошкент халқа автомобил йўли билан кесишган жойидан Янги Қўйлиқ кўчаси бўйлаб Миробод тумани Халқ таълими бўлимига қарашли спорт соғломлаштириш мажмуаси чегарасигача, Миробод тумани Халқ таълими бўлимига қарашли спорт соғломлаштириш мажмуаси, 125-сонли ўрта таълим мактаби, 126 ҳамда 183-сонли мактабгача таълим муассасаларини ўз ичига қамраб олган ҳолда уларнинг чегараси бўйлаб Қўйлиқ-4 ва Қўйлиқ-1 мавзеларини ажратиб турувчи кўчагача, Қўйлиқ-4 ва Қўйлиқ-1 мавзеларини ажратиб турувчи кўча бўйлаб Тошкент халқа автомобил йўлигача, Тошкент халқа автомобил йўли бўйлаб Янги Қўйлиқ кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Юксалиш” маҳалласи чегараси тавсифи

Янги Қўйлиқ кўчасида жойлашган “Империял” тўйхонаси (Қўйлиқ-2 мавзеси, 25/5-уй) чегарасидан Янги Қўйлиқ кўчаси бўйлаб 2-сонли оилавий поликлиника (Қўйлиқ-3 мавзеси, 29А-уй) чегарасигача, 2-сонли оилавий поликлиника (Қўйлиқ-3 мавзеси, 29А-уй)ни ўз ичига қамраб олган ҳолда мавзе ичидаги кўча бўйлаб Толариқ каналигача, Толариқ канали бўйлаб автотураргоҳ (Қўйлиқ-3 мавзеси) чегарасигача, автотураргоҳни ўз ичига қамраб олган ҳолда унинг чегараси бўйлаб 263-сонли умумий ўрта таълим мактаби (Қўйлиқ-3 мавзеси, 38-уй) чегарасигача, 263-сонли (Қўйлиқ-3 мавзеси, 38-уй) ва 31-сонли (Қўйлиқ-2 мавзеси, 3А-уй) умумий ўрта таълим мактаблари ўртасидаги чегара бўйлаб ўтиб, Қўйлиқ-2 мавзесидаги 3-сонли

кўп қаватли турар жойгача, Қўйлиқ-2 мавзесидаги 3-сонли кўп қаватли турар жой ва “Империял” тўйхонаси (Қўйлиқ-2 мавзеси, 25/5-уй)ни ўз ичига қамраб олган ҳолда мавзе ичидаги йўлак бўйлаб Янги Қўйлиқ кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Билимдон” маҳалласи чегараси тавсифи

Янги Қўйлиқ ва Фарғона йўли кўчалари кесишган жойдан, Фарғона йўли кўчаси бўйлаб Толариқ канали билан кесишган жойгача, Толариқ каналининг ўнг томони бўйлаб Қўйлиқ-3 мавзесидаги 2-сонли кўп қаватли турар жойгача, Қўйлиқ-3 мавзесидаги 2-сонли кўп қаватли турар жой ёнидан мавзе ичидаги кўча бўйлаб 2-сонли оилавий поликлиника чегарасигача, 2-сонли оилавий поликлиника чегарасининг ўнг томони бўйлаб “Чойхона” ва “Мебел дўкони”ни ўз ичига қамраб олган ҳолда Янги Қўйлиқ кўчасигача, Янги Қўйлиқ кўчаси бўйлаб Фарғона йўли кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Ат-Термизий” маҳалласи чегараси тавсифи

Буюк Турон ва Афросиёб кўчалари кесишган жойдан Афросиёб кўчаси бўйлаб Афросиёб кўчасидаги 12-уйнинг бошланиш нуқтасигача, Афросиёб кўчасидаги 12-уйнинг ўнг томонидан ўтиб, Афросиёб кўчаси 10/1-уй ва 10/2-уйлар оралиғидаги йўлак бўйлаб Миробод кўчасидаги 17-уйни ўз ичига қамраб олган ҳолда Миробод кўчасигача, Миробод кўчаси бўйлаб Буюк Турон кўчасигача, Буюк Турон кўчаси бўйлаб Афросиёб кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Фаровон” маҳалласи чегараси тавсифи

Афросиёб, Ойбек ва Шаҳрисабз кўчалари кесишган жойдан Шаҳрисабз кўчаси бўйлаб Миробод кўчасигача, Миробод кўчаси бўйлаб Миробод кўчасидаги 17-уйгача, Миробод кўчасидаги 17-уйнинг ўнг томонидан ўтиб, Афросиёб кўчаси 10/1-уй ва 10/2-уйлар оралиғидаги йўлак бўйлаб Афросиёб кўчасидаги 12-уйни ўз ичига қамраб олган ҳолда Афросиёб кўчасигача, Афросиёб кўчаси бўйлаб Афросиёб, Ойбек ва Шаҳрисабз кўчалари кесишган жойгача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Наврўз” маҳалласи чегараси тавсифи

Сарикўл 3-тор ва Мехржон кўчалари кесишган жойдан Сарикўл 3-тор кўчаси бўйлаб Сарикўл кўчасигача, Сарикўл кўчаси бўйлаб Абу Сулаймон Банокатий кўчасигача, Абу Сулаймон Банокатий кўчаси бўйлаб Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти чегарасининг бошланиш нуқтасигача, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти чегараси бўйлаб Темирийўлчилар 1-тор кўчасидаги 1/4-уйгача, Темирийўлчилар 1-тор кўчасидаги 1/4-уйнинг ўнг томонидаги йўлак бўйлаб Темирийўлчилар 1-тор кўчасини кесиб ўтиб Ички ишлар вазирлиги Қоровул кўшинлари Бош бошқармаси чегарасигача, Ички ишлар вазирлиги Қоровул кўшинлари Бош бошқармаси чегарасининг ўнг томони бўйлаб, Темирийўлчилар тор кўчасигача, Темирийўлчилар тор кўчаси бўйлаб Темирийўлчилар кўчасигача, Темирийўлчилар кўчаси бўйлаб темир йўл тармоғи билан кесишган жойгача, темир йўл тармоғи бўйлаб Сарикўл 3-тор ва Мехржон кўчалари кесишган жойгача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Байналминал” маҳалласи чегараси тавсифи

Нукус ва Мироншоҳ 8-тор кўчаси кесишган жойдан Мироншоҳ 8-тор кўчаси бўйлаб Мироншоҳ 6-тор кўчасигача, Мироншоҳ 6-тор кўчаси бўйлаб Мироншоҳ 7-тор кўчаси 1, 2, ва 3-уйларни ўнг томонидан айланиб ўтиб Мироншоҳ 7-тор кўчасигача, Мироншоҳ 7-тор кўчаси бўйлаб Мироншоҳ 4-берк кўчасигача, Мироншоҳ 4-берк кўчаси бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли 7-сонли ҳарбий шаҳарча чегарасигача, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли 7-сонли ҳарбий шаҳарча чегарасининг ўнг томони бўйлаб, “TOSHSANARYO'LOVCHITRANS” давлат ассоциациясига қарашли маъмурий ҳудуд чегарасигача, “TOSHSANARYO'LOVCHITRANS” давлат ассоциациясига қарашли маъмурий ҳудудни ўз ичига қамраб олган ҳолда унинг чегараси бўйлаб “Салар” каналини кесиб ўтиб, Кичик халқа йўлигача, Кичик халқа йўли бўйлаб Кичик Бешёғоч кўчасигача, Кичик Бешёғоч кўчаси бўйлаб Нукус кўчасигача, Нукус кўчаси бўйлаб Мироншоҳ 8-тор кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Янги Миробод” маҳалласи чегараси тавсифи

Нукус ва Авлиёота кўчалари кесишган жойдан Авлиёота кўчаси бўйлаб Кичик халқа йўлигача, Кичик халқа йўли бўйлаб “FSHM PROFI SERVIS” масъулияти чекланган жамиятга қарашли “Автомобилларни ювиш шахобчаси”гача, “FSHM PROFI SERVIS” масъулияти чекланган жамиятга қарашли “Автомобилларни ювиш шахобчаси”ни ўз ичига қамраб олган ҳолда “Салар” каналини кесиб ўтиб Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли 7-сонли ҳарбий шаҳарча чегарасигача, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли 7-сонли ҳарбий шаҳарчани ўз ичига қамраб олган ҳолда чегараси бўйлаб Мироншоҳ 4-берк кўчасигача, Мироншоҳ 4-берк кўчаси бўйлаб Мироншоҳ 7-тор кўчасигача, Мироншоҳ 7-тор кўчаси 1, 2, ва 3-уйларни ўз ичига қамраб олган ҳолда Мироншоҳ 6-тор кўчасигача, Мироншоҳ 6-тор кўчаси бўйлаб Мироншоҳ 8-тор кўчасигача, Мироншоҳ 8-тор кўчаси бўйлаб Нукус кўчасигача, Нукус кўчаси бўйлаб Авлиёота кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Темирйўлчилар” маҳалласи чегараси тавсифи

Темир йўл тармоғи, Оқйўл кўчаси ва Темирйўлчилар кўчалари кесишган жойдан Темирйўлчилар кўчаси бўйлаб Темирйўлчилар тор кўчасигача, Темирйўл тор кўчаси бўйлаб Ички ишлар вазирлиги Қоровул кўшинлари Бош бошқармаси чегарасигача, Ички ишлар вазирлиги Қоровул кўшинлари Бош бошқармаси чегараси бўйлаб Темирйўлчилар 1-тор кўчасигача, Темирйўлчилар 1-тор кўчаси бўйлаб Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти чегарасигача, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти чегараси бўйлаб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасининг “Вилоят ва шаҳар чакирув пункти” чегарасигача, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасининг “Вилоят ва шаҳар чакирув пункти” ва 64-сонли мактабгача таълим муассасаси оралиғидан ўтиб Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти чегарасигача, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти чегараси бўйлаб Гейдар Алиев кўчасигача, Гейдар Алиев кўчаси бўйлаб темир йўл тармоғигача, темир йўл тармоғи бўйлаб Оқйўл ва Темирйўлчилар кўчалари кесишган жойгача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Баёт” маҳалласи чегараси тавсифи

Парвона ва Хушнуд 2-тор кўчалари кесишган жойдан Парвона кўчаси бўйлаб Бадахшон кўчасигача, Бадахшон кўчаси бўйлаб Қўйлик 3-тор кўчаси кесишувигача, Қўйлик 3-тор кўчаси бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Кўзи ожизлар жамиятининг “СНО’ТКА” ўқув ишлаб чиқариш корхонаси чегарасигача, Ўзбекистон Республикаси Кўзи ожизлар жамиятининг “СНО’ТКА” ўқув ишлаб чиқариш корхонасини ўз ичига қамраб олган ҳолда унинг чегараси бўйлаб Хушнуд 2-тор кўчасигача, Хушнуд 2-тор кўчаси бўйлаб Парвона кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Баротхўжа” маҳалласи чегараси тавсифи

Мунис ва Фарғона йўли кўчалари кесишган жойдан Фарғона йўли кўчаси бўйлаб “Баротхўжа” каналигача, “Баротхўжа” канали бўйлаб Тошкент халқа автомобиль йўли, Мунис ва Хушнуд кўчалари кесишувигача, Тошкент халқа автомобиль йўли, Мунис ва Хушнуд кўчалари кесишувидан Мунис кўчаси бўйлаб кўчаси бўйлаб Фарғона йўли кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Тонг юлдузи” маҳалласи чегараси тавсифи

Темир йўл тармоғи, Сарикўл ва Мехржон кўчалари кесишган жойдан темир йўл тармоғи бўйлаб Мехржон кўчаси, 64-уйда жойлашган “O'ZTEMIRYO'LMASHTA'MIR” унитар корхонасига қарашли завод ҳудуди чегарасигача, “O'ZTEMIRYO'LMASHTA'MIR” унитар корхонасига қарашли завод ҳудудини ўз ичига қамраб олган ҳолда унинг чегараси бўйлаб Фарғона йўли кўчасигача, Фарғона йўли кўчаси бўйлаб Фарғона йўли, Сайхун ва Таллимаржон кўчалари кесишувигача, Сайхун кўчаси бўйлаб Иноқобод кўчасигача, Иноқобод кўчаси бўйлаб Мехржон кўчасигача, Мехржон кўчаси бўйлаб Темир йўл тармоғи, Сарикўл ва Мехржон кўчалари кесишган жойгача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Истиклолобод” маҳалласи чегараси тавсифи

Темир йўл тармоғи, Сарикўл ва Мехржон кўчалари кесишган жойдан Мехржон кўчаси бўйлаб Эски Сарикўл кўчасигача, Эски Сарикўл кўчаси бўйлаб Абу Сулаймон Банокатий кўчасигача, Абу Сулаймон Банокатий кўчаси бўйлаб Сарикўл кўчасигача, Сарикўл кўчаси бўйлаб Сарикўл ва Мехржон кўчалари кесишувигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Оқ уй” маҳалласи чегараси тавсифи

Фарғона йўли ва Бешкент кўчалари кесишган жойдан Бешкент кўчаси бўйлаб Эски Отчопар 2-тор кўчасини кесиб ўтган ҳолда “Қорасув” каналигача, “Қорасув” канали бўйлаб темир йўл тармоғи билан кесишган жойгача, темир йўл йизиғи бўйлаб Фарғона йўли кўчасигача, Фарғона йўли кўчаси бўйлаб Бешкент кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Файзиобод” маҳалласи чегараси тавсифи

Бешкент ва Фарғона йўли кўчалари кесишган жойдан Фарғона йўли кўчаси бўйлаб Янги Қўйлик кўчасигача, Янги Қўйлик кўчаси бўйлаб Сергели тумани маъмурий чегарасигача, Сергели тумани маъмурий чегараси “Қорасув” каналигача, “Қорасув” канали бўйлаб (оқимга қарши) Бешкент ва Эски Отчопар 2-тор кўчалари кесишган жойгача, Бешкент ва Эски Отчопар 2-тор кўчалари кесишган жойдан Бешкент кўчаси бўйлаб Фарғона йўли кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Парвона” маҳалласи чегараси тавсифи

Фарғона йўли кўчаси ва “Толарик” канали кесишган жойдан Фарғона йўли кўчаси бўйлаб Мунис кўчасигача, Мунис кўчаси бўйлаб “MAXSUS TAJRIBA AVTOKORXONA” масъулияти чекланган жамияти ҳудуди чегарасигача, “MAXSUS TAJRIBA AVTOKORXONA” масъулияти чекланган жамияти ҳудудидаги нотурар жой объектларини ўз ичига қамраб олган ҳолда уларнинг чегаралари бўйлаб Сарбон берк кўчасигача, Сарбон берк кўчасидан Қўйлик-1 мавзесидаги 15/1-сонли кўп қаватли уй ва Сарбон кўчасидаги якка тартибдаги хонадонларни ажратиб турувчи тор йўлак бўйлаб Сарбон

кўчасини кесиб ўтиб “Толариқ” каналигача, “Толариқ” канали бўйлаб Фарғона йўли кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Чинор” маҳалласи чегараси тавсифи

Мунис ва Хушнуд кўчалари кесишган жойдан “Баротхўжа” каналини кесиб ўтиб Тошкент халқа автомобиль йўлигача, Тошкент халқа автомобиль йўли бўйлаб Қўйлиқ-1 ва Қўйлиқ-4 мавзеларини ажратиб турувчи кўча билан кесишган жойгача, Қўйлиқ-1 ва Қўйлиқ-4 мавзеларини ажратиб турувчи кўча бўйлаб “Толариқ” каналигача, “Толариқ” канали бўйлаб оқимга қарши Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига қарашли тажриба ҳудуди чегарасигача, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига қарашли тажриба ҳудуди чегарасидан Сарбон кўчасини кесиб ўтиб, Қўйлиқ-1 мавзесидаги 15/1-сонли кўп қаватли уй ва Сарбон кўчасидаги яқка тартибдаги хонадонларни ажратиб турувчи тор йўлак орқали Сарбон берк кўчаси ва “MAXSUS TAJRIBA AVTOKORXONA” масъулияти чекланган жамияти ҳудуди чегараси кесишган жойгача, “MAXSUS TAJRIBA AVTOKORXONA” масъулияти чекланган жамияти ҳудуди чегарасининг ўнг томони бўйлаб Мунис кўчасигача, Мунис кўчаси бўйлаб Тошкент халқа автомобиль йўлигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.